

Муҳаррамдаги ҳар бир лаҳзани ғанимат билайлик



10:05 / 08.07.2024 9668

«Ашуро» сўзи луғатда «ўнинчи кун» деган маънони билдиради. [Муҳаррам](#) ойининг ўнинчи куни Ашуро номи билан машҳур бўлган.

هَآءِ اِدْرُؤْ سَوْتُمْ وَوَسَّابِعَ نَبَا لِي تِيَهَ تَنَا لَاقُ هُنَّ عُلَّ لَ لَ اِي ضَرَجَ رَعَالِ نَبِمَ كَحْلِ لِنَع
دُدْعَافِ مَحْمُومِ لَ لَ اَلِهَ تِيَّ اَرَا اِذَا لَاقُ فِ اَرَاوُشَاعِ مَوْصُ نَع يَنْ رُبْحَا هَلُ تَلُ قَفَ مَزْمَزَ دُنَع
مَلَسُو هِي لَع هَل لَ اِي لَصَه لَ لَ اَلُ وُسَرَنَا كَ اَذَكَه تَلُ قَ اَمَّا اَصْرَعِ سَا لَ لَ اَمَّوِي حَبْصَا و
يَرَا حُبَّ اَلِ a

Ҳакам ибн Аъраж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Замзам олдида ридоси устида ёнбошлаб ётган Ибн Аббоснинг ҳузурига бориб:

«Янаги йил келса, иншааллоҳ, (ўнинчи билан бирга) тўққизинчи куннинг рўзасини (ҳам) тутамиз», дедилар.

Бас, келаси йил бўлмасдан туриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари Ашуро куни рўзасини тутиб, умматларига ҳам ўша куннинг рўзасини тутишни амр қилганларида баъзи хабардор саҳобийлар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга яҳудий ва насороларнинг Ашуро кунини улуғлашларини эслатдилар. Чунки саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яҳудий ва насороларникига ўхшаган ишни қилмасликларини, доимо уларникидан бошқача, **Ислом** умматига хос иш қилишларини яхши билар эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо саҳобаи киромларни бошқа дин эгаларига ўхшашдан, уларга эргашишдан қайтариб келар эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларнинг Ашуро куни рўзаси ҳақидаги хабарларини бағрикенглик билан қабул қилиб олдилар. Уни ҳисобга олдилар ва янаги йили яҳудий ва насороларга ўхшаб, Муҳаррам ойининг фақат ўнинчи кунининг эмас, балки уларга хилоф қилиб, тўққизинчи кунининг рўзасини ҳам тутишларини айтдилар. Аммо ўзлари келгуси йилнинг Ашуро куни келмасидан Рафиқи Аълога рихлат қилдилар.

Лекин гаплари ўз кучида қолди. Барча мўмин-мусулмонлар у зотнинг айтганларини қилиб, Муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўзасини тутишга одатландилар.

هُوَ أَوَّلُ رِيَاضَةِ الْوَيْءِ أَرْوُشَاعٍ مَوْصِبٍ مَلَسُوهُ يَلْعَلُ لِيَلْصُقَ لَلْأُولَى رَمَاقُ نَعَوُ
هُ حَصَوُ وَيْذِمُّرَّتْ ل

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро рўзасини ўнинчи куни тутишга амр қилдилар».

Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.

Шарҳ: Бу амр аввалги ҳадисда зикр қилинган ҳодисалардан олдин бўлган.

Ушбу ривоятлардан чиқадиган умумий хулоса қўйидагича.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Ашуро рўзасини Муҳаррамнинг ўнинчи кунда тутишга амр қилганлар, ўзлари ҳам тутганлар.

Яҳудий ва насоролар бу кунни улуғлашларини билиб қолганларидан кейин ўнинчи кунга тўққизинчи кунни ҳам қўшиб тутишга қарор қилдилар. Лекин ўзлари бу ишни қилмай туриб, вафот этдилар.

Биринчи ривоятда келганидек, Ибн Аббос розияллоху анҳунинг Ҳакам ибн Аъраж розияллоху анҳунинг саволига жавобан «Тўққизинчи кунни рўза тутган ҳолингда тонг оттир», деганлари Муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўзасини тутиш керак, деганлари, яъни, тўққизинчи кунни, сўнг ўнинчи кунни тутасан, деганлари бўлади. Зотан, Ашуро сўзининг луғавий маъноси «ўнинчи кун» эканлигини аввал ҳам айтиб ўтганмиз.

Демак, бу йил 7 июл ҳижрий 1446 йил бошланиш ойдир. Унинг биринчи оyi Муҳаррам оyi бўлиб, **Рамазон** ойдан кейин энг ҳурматли ой ҳисобланади. Ашуро куни эса юқоридаги ҳадисга мувофиқ Муҳаррам ойининг ўнинчи кунидир. Бундай улкан имконият Аллоҳ таолонинг биз – бандаларига қилган фазл ва марҳаматидир.

Ашуро куни (Муҳаррамнинг 10-куни)нинг рўзасини 9-куни билан қўшиб тутиш суннат амалдир. Фақат Ашуро кунининг ўзида рўза тутиш макруҳдир («*Фатвои Ҳиндия*» китоби).

Ашуро кундан аввал ҳам, кейин ҳам бир кун рўза тутиш мустаҳаб бўлади («*Фатҳул Қадир*» китоби).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: **“Ким оила аҳлига Ашуро кунда (озиқ-овқат, кийим-кечакда ва бошқа нарсаларда) кенгчилик қилса, йилнинг қолганида Аллоҳ унга кенгчилик қилади»** (*Имом Байҳақий ривояти*).

Имом Суфён ас-Саврий ҳазратлари: «Биз ушбу ҳадисни амалда қўллаб кўрдик ва унинг айтилганидек эканлигига гувоҳ бўлдик,» – деганлар. Суфён ибн Уяйна: «Биз буни 50-60 йил тажриба қилиб кўрдик ва фақатгина яхшилик кўрдик», – деганлар.

Демак, Ашуро куни бозорлик қилиб, рўзғорини бут қилиб олса, йилнинг қолган ойлари ҳам баракали бўлиши умид қилинади. Бу йил Ашуро куни 9

сентябрь душанба кунига тўғри келмоқда. Фазилатли ойлардан бўлган Муҳаррамдаги ҳар бир лаҳзани ғанимат билайлик.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди.